

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ВРАЧ
НАЗОРАТИ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ КАФЕДРАСИ

4-Маъруза. ТАБИЙ ФИЗИК ОМИЛЛАР. КУРОРТЛАР

(даволаш ва тиббий-педагогика факултетларининг 4 курс талабалари учун)

Тузувчилар :
доцент Ш.Қ.Адилов

4-Маъруза. ТАБИЙ ФИЗИК ОМИЛЛАР. КУРОРТЛАР

Маъруза даволаш ва тиббий-педагогика факултетларининг 4 курс талабалари учун мўлжалланган.

Маърузанинг мақсади

Талабаларга сувни (гидротерапия) ва минерал сувни (бальнеотерапия) даволаш мақсадида қўлланилиш имкониятлари ҳақида тушунча бериш. Талабаларни иссиқлик омиллари – балчиқ, парафин, озокериттерапиянинг организмга таъсири билан таништириш. Шу билан бирга курортлар, санатор-курортга борувчиларни саралаш, Ўзбекистон курортлари ҳақида тушунча бериш.

Тарбиявий максад

Фан орқали талабаларда ватанпарварлик хиссини тарбиялаш, ҳар бир одамнинг ишга қобилиятини ва жисмоний иш бажариш қобилиятини оширишда фаол иштирок этиш.

Маърузанинг вазифалари

1. Талабаларни чучук ва минерал сувларнинг шифобахш таъсири билан таништириш (таъсир этувчи омил, кўрсатма ва қарши кўрсатма).

2. Талабаларни балчиқнинг таъсир этувчи омили ва физиологик таъсир механизми, уларнинг генератив хусусияти, кўрсатма ва қарши кўрсатмалари билан таништириш.

3. Талабаларни парафин-озокеритнинг таъсир механизми, қўлланилиши билан таништириш.

4. Талабаларни санатор-курортга борувчиларни саралашга ўргатиш. Ўзбекистон курортлари ҳақида маълумот бериш.

Маърузада кўриладиган саволлар

1. Сув билан даволаш-гидротерапия. Бальнеотерапия таъсир омиллари. Чучук ва минерал сувларнинг шифобахш таъсир механизми. Душлар, ванналар. -25 минут

2. Пеллоидтерапия-таъсир механизми ва усуллри. -20 минут

3. Иссиқлик билан даволаш. Парафин, озокеритларнинг таъсир механизми. -20 минут

4. Курортлар. Санатор-курортга борувчиларни саралаш. Ўзбекистон курортлари. -25 минут

Сувнинг маҳсус усуллар ёрдамида даволаш, касалликнинг олдини олиш ва тиббий реабилитация мақсадида қўлланилишига сув билан даволаш дейилади. Сув билан даволашда қўйидаги асосий омиллар қўлланилади : чучук сув, минерал сув. Чучук сув суюқ, қаттиқ ва пар ҳолатида қўлланилади. Минерал сувлар газ ва сунъий аналог ҳолида қўлланилади. Чучук сув даволаш мақсадида тоза ҳолатда, шунингдек унга ҳар хил дорили ва бошқа моддаларни (хвойли экстракт, скипидар, горчица ва х.з) қўшиш билан қўлланилади. Сувнинг организмга таъсири асосида ҳароратли, механик, кимёвий, радиацион қўзғалиш ётади. Сувнинг организмга таъсирини аниқловчи омил бўлиб физиковий ва кимёвий хусусиятлар ҳисобланади. Сув билан даволаш кўпгина сурункали касалликларни даволашда кенг қўлланилади, шунинг

учун унинг физиологик ва шифобахш таъсирини, техникаси ва усулларини ўрганиш зарур.

Сувнинг ҳароратли таъсири. Сувнинг физик хусусиятларидан иссиқлик сифими, иссиқликни ўтказувчанлиги, иссиқликни сақлаб туриши катта аҳамиятга эга. Иссиқлик сифими - бу жисмни 1 градусга қиздириш учун зарур бўлган иссиқлик миқдоридир. Иссиқлик ўтказувчанлик - бу жисмнинг бир қисмидан иссиқликни бошқа қисмига ўтказа олишидир. Иссиқликни сақлаб туриш хусусияти деганда иссиқликни ушлаб туроши тушунилади.

Одам организмининг нечоғли таъсиrlаниши, қанчалик ва қандай реакция кўрсатиши асосан иссиқлик сифими ва иссиқлик ўтказувчанлигига, яъни организмга бериладиган ёки ундан олинадиган иссиқлик миқдорига боғлиқдир. Масалан : сувнинг иссиқлик сифими юқори бўлади. У шифобахш балчиққа қараганда иссиқликни икки баравар кўпроқ юта олади ва уни анча тез ўтказа олади.

Ҳарорат таъсири тушадиган жой териidir. Бунга жавобан ҳар хил рефлекслар юзага келади. Қон томирларга таъсири этиб, қоннинг организмда тақсимланишига таъсири этади. Терига юқори ҳарорат таъсири қилганида томирлар кенгайиб унга қон келиши зўрайди, шунинг натижасида иссиқлик бериш, яъни иссиқлик чиқариш ҳам кўпаяди. Паст ҳарорат таъсирида тери совийди, томирлар торайиб боради, уларнинг қон билан тўлиши камаяди, бунда иссиқлик бериш ҳам камаяди.

Кимёвий терморегуляцияси асосан алмашинув жараёнларига боғлиқдир. Кимёвий терморегуляция деганда атрофдаги муҳит ҳарорати таъсири билан моддалар алмашинуви интенсивлигининг ўзгариши тушунилади. Ташқи муҳит ҳарорати кўтарилиганда организмда иссиқлик ҳосил бўлиши камаяди. Кимёвий хусусиятларидан катта аҳамиятга эга бўлганлари бу минерал тузлар, газлар, органик бирикмалар, биологик актив моддаларнинг бўлишидир.

Ҳароратли таъсирида оғриқларнинг камайиши ва бутунлай тўхташини кузатишимиш мумкин (бунда теридаги рецепторлар блокадага учрайди ва МНСга патологик импульслар ўтишига тўскинлик қиласи).

Шундай қилиб, сув оғриқ қолдирувчи, спазмларни бартараф этувчи, яллиғланишга қарши таъсири этади.

Сув муолажалари умумий ва маҳаллий турларига бўлинади. Умумий муолажаларда сув бутун тана юзасига бир хил қўзғатувчи таъсири этади : умумий ванналар, циркуляр душ, намли ўраб қўйиш, сув қўйиш, ишқалаб артиш ва ҳ.з. Маҳаллий муолажаларга тааллуқли ҳисобланади ва бунда сув тананинг маълум бир чегараланган қисмига таъсири этади : оёқ, қўл ёки тос ваннлари, юқорига кўтарилиувчи душ, грелка, компресс ва ҳ.з.

Кўлланилаётган сувнинг ҳароратига қараб муолажалар фарқланади :

1.Совук	-	20 градус ва ундан паст	-	2 – 5 минут
2.Салқин	-	21-33 градус	-	5 -10 минут
3.Индиферент	-	34-35 градус	-	15-20 минут
4.Илиқ	-	36-37 градус	-	10-20 минут
5.Иссик	-	38 градус ва ундан юқори	-	2 - 5 минут

Ҳар бир сув билан даволаш муолажада ҳароратни кучайтирувчи сув массасининг механик таъсири, унинг тана юзасидаги ҳаракати ва периферик рецепторларга газ пуфакчаларининг қўзғатувчи таъсири билан биргалиқда бўлади. Ҳар хил сув муолажаларида механик қўзғатувчанлик ҳар хил бўлади. Душ (Шарко души – 2-4 атм.) ва чўмилишда кўпроқ, ванналарда камроқ (0,3-0,4 атм). Кимёвий қўзғатиш чучук сув қўлланилганда минимал бўлади, унга туз, гарчица, хвой экстракти, скипидар қўшиш билан уни кучайтириш мумкин, у тери рецепторларининг қўзғалишини оширади, уларнинг баъзи бирлари хид сезиш в кўриш анализаторларига таъсир кўрсатади. Табиий ва сунъий тайёрланган сувларда сақланадиган моддалар ванналарни қабул қилиш вақтида қисман организмга киради, томир ва ички органлар рецепторига таъсир этади. Бундан ташқари газ ҳолатидаги моддалар нафас йўллари орқали тушади. Сув муолажаларига организмнинг жавоб реакцияси муолажанинг факат физик ва кимёвий хусусиятларига эмас, балки МНС ва бутун организмнинг дастлабки функционал ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Тартиби бўйича қуидаги ванналар бўлади :

- 1.чучук сули;
- 2.минерал сувли, ишқорий сувли;
- 3.ароматик, хвойли, тузли-хвойли сувли;
- 4.газли, сероводордли, азотли, кислородли, маржонли, радонли
- 5.ичакни сув ости ювиш, сув остида гимнастика, сув ости душ массажи, вибрацион ванна;
- 6.дорили (горчицали, марганецли, крахмалли, йод-бромли).

Сув тушушининг шаклига қараб қуидаги душлар фарқланади : чангсимон, ёмғирсимон, игнасимон, елпифичсимон, циркуляр, шотланд, Шарко ва бошқалар.

Босим даражаси бўйича душлар қуидагиларга, яъни ўрта (2 атмосферагача) ва юқори (3-4 атмосферагача) босимга бўлинади.

Ванналарни қабул қилиш вақтида, айниқса иссиқ ёки совук, беморларнинг ҳолатини кузатиб туриш зарур. Муолажа вақтида юрак томондан бехушлик сезилса, юрак сатҳига совук компресс қўйилади. Баъзи вақтларда илиқ ва иссиқ ванналардан сўнг сув қуиши ёки душ тавсия этилади. Сўнгра bemor 20-30 минут ётиши керак.

Иссиқлик билан даволаш

Иссиқлик билан даволашда шифобахш балчикдан, парафин-озокеритдан фойдаланилади.

Даволаш мақсадида ил, торфли, сапропелли, сопкали балчиқлардан фойдаланилади. Балчиқларда З та асосий қисм фарқланади : кристал скилет, коллоид фракцияси ва балчиқ суюқлиги. Бу қисмлар турли балчиқларда ҳар хилдир. Кристал скилет эримайдиган майда бўлаклардан ташкил топган. Скелет бўлакларининг диаметри 0,25 мм дан катта бўлмаган балчиқ даволаш мақсади учун кенг қўлланиладиган бўлиб хисобланади. Агар бўлаклар диаметри катта бўлса, у балчиқнинг ифлосланганлигидан дарак беради. Ил балчиғининг ифлосланиш даражаси 10%гача рухсат этилади, торф

балчиғиники – 25%гача. Коллоид фракция скелетнинг алоҳида бўлакларини боғлаб туриб, улар орасидаги бўшлиқни тўлдириб туради. Коллоид фракция балчиқнинг пластиклигини ва адсорбцияловчи хусусиятини таъминлайди. Сувли – минерал эритма, балчиқнинг скелети ва коллоид фракцияни намлаб туради, балчиқ эритмаси деб аталади. Шифобахш балчиқлар ўзининг иссиқлик ва намлик ҳажми, кичик иссиқлик ўтказувчанлиги ва юқори адсорбцион хусусияти билан ажралиб туради, сув билан қўшилиб бир хил пластик эритма ҳосил қиласди. Бу хусусият ҳар хил балчиқларда ҳар хил ва ил балчиқларида юқори бўлади. Балчиқларда биологик актив моддалар, витаминга ўхшаш моддалар, ферментлар, гармонлар, антибиотиклар, шунингдек холин, гистамин, бактериофаг, радиоактив моддалар сақланади.

Ил балчиғи – чўкма балчиқ, мазсимон, қора, водород сульфид ҳидига эга масса бўлиб, денгиз ва кўпгина кўлларда чўкинди жинслардан микроорганизмларнинг актив иштирокида ҳосил бўлади. Чўкма балчиқ ҳосил бўлиши жараёнида маҳсус бактериялар – балчиқ ҳосил қилувчилар иштирок этиб, булар водород сульфид ажратади. Водород сульфид темир тузлри билан бирикиб, темир сульфид ҳосил қиласди. Темир сульфид борлиги туфайли балчиқнинг ранги қора ва пластик бўлади.

Сапропелл балчиғи – чириётган чўкма балчиқ чучук сувли очиқ ҳавзаларда тупроқ ва қум заррачалари, тупроқдаги чиринди моддалардан, бактериялар ва ферментлар иштирокида ҳосил бўлади. Сапропеллда суюқ ва қаттиқ углеводородлар, мураккаб эфирлар, органик кислоталар, спиртлар ва смолалардан иборат моддалар бор.

Торф балчиғи – ботқоқликларда ўсимликлар, организмнинг узок вақтгача кислородсиз чириши натижасида ҳосил бўлади. Мана шундай маҳсулотларнинг минераллашган сув таъсирида аралашибидан торф массаси ҳосил бўлади, у аста секин ботқоқлик тагига чўкиб, зичлаша боради. Торф таркибида ўсимлик моддалари қолдиқлари, смолали моддалар, ғилтупроқ, натрий хлорид, темир тузлари, водород сульфид, коллоид органик моддалар ва бошқалар бўлади. Торф ҳамирсимон консистенцияли масса, куриганда майдаланиб кетади. Даволаш учун ишлатиладиган торфни қўлга олиб сиқилганда, у пластик масса каби бармоқлар орасидан осонгина сиқилиб чиқади ва қўлга юқади.

Сопка балчиғининг асосини лой ташкил этади. Унинг суюқ қисмида минерал тузлар ва органик моддалар бўлади. Бу турдаги балчиқ газ – нефтли ерларда углеводород газлар таъсирида ҳосил бўлади.

Шифобахш балчиқлар организмга ҳароратли, механик ва кимёвий таъсир кўрсатади. Балчиқнинг физик хоссалари, балчиқ билан даволаш вақтида бирмунча юқори ҳароратдан фойдаланишга имкон беради. Иситилган балчиқнинг баданга суритилган юпқа қавати тезда совиб қолади, бу иссиқликнинг бир қисми терига берилиши сабабли ҳосил бўлади. Бу иссиқлик аста секин берилганлиги сабабли, балчиқ секин совийди. Шунинг учун балчиқ организмга узок вақт ўз иссиғини йўқотмай таъсир кўрсатади.

Механик таъсир балчиқ массасининг босими ва бадан ҳамда балчиқ зарралари ўртасидаги ишқалниш натижасида юз беради.

Кимёвий таъсир (ил балчиғида таъсир яққол кўринади) балчиқдан организмга тери орқали ўтадиган турли кимёвий моддалар (газсимон, учувчан моддалар, ферментлар, биологик актив моддалар ва бошқлар) таъсирига боғлиқ. Балчиқлар таъсирида асаб ва юрак-қон томир системаларида, қон таркибида, моддалар алмашинуви жараёнларида ўзгаришлар юз беради, пульс тезлашади, муолажа бошида нафас ҳам тезлашади, қон айланиши яхшиланади. Даволашнинг бошида ЭЧТ кўтарилиши мумкин, модда алмашинув жараёни кучаяди. Иситилган балчиқ теридаги рецепторларга таъсир қилиши натижасида бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнлари кучаяди. Балчиқ билан даволаш муолажаси вактида, айниқса, муолажадан сўнг bemорларни уйқу босиши бунинг далилидир. Организмда балчиқ таъсирида пайдо бўладиган ўзгаришлар умумий ва маҳаллий реакция сифатида юз беради. Умумий реакцияда тана ҳароратининг бир мунча қўтарилиши, ЭЧТнинг тезлашиши кузатилади, маҳаллий – тўқималар шишиши (отёк) ва гиперемиянинг кучайиши кузатилади.

Шифобахш балчиқ ёғоч яшикларда, бетон ҳовузларда сақланиши лозим. Ил балчиғининг куриб қолмаслиги учун унга 5% ош тузининг эритмаси қўшилади. Ишлатилган балчиқни регенерациялаш (йўқотган хоссаларини тиклаш) учун унга ош тузининг 5% эритмаси ва бир мунча янги балчиқ қўшиш керак, балчиқни 3-5 ойдан сўнг қайтадан ишлатса бўлади. Балчиқлар асосан сув ҳаммолида иситилади. Жароҳат, йирингли яраларни даволашда, тўғри ичак ва қин тампонлари учун ишлатилган балчиқлардан қайта фойдаланилмайди. Балчиқ албатта бактериологик текширувдан ўтказилиши зарур, агар патоген микроорганизмлар топилса, балчиқ даволаш мақсадида қўлланилиши мумкин эмас.

Балчиқ аппликацияси умумий ва маҳаллий бўлади. Курортларда асосан умумий балчиқ апплекацияси қўлланилади. Умумий апплекация учун 40-42 градус ҳароратли, маҳаллий учун 42-44 градус ҳароратли балчиқ қўлланилади.

Балчиқлар қўйидги қўринишларда қўлланилади : балчиқли ванналр (37 градус ҳароратда), балчиқ апплекацияси (“қўлқоп”, “наски”, “ёқа”, “этик”, “труси”), жигар ва ошқозон соҳасининг апплекацияси (38-40 градус ҳароратда), ректал ва вагинал тампонлар (40-42 градус ҳароратда), компресслар, балчиқли электрофорез, пеллоидиннинг мушак ичига инъекцияси. Муолажа тамом бўлгач, балчиқ бадандан олиниб, bemor ҳарорати 36-37 градусли ёмғирсимон душ остида ювинади, сўнгра 30-40 минут давомида дам олади.

Парафин-озокерит билан даволаш

Нефтни сублимация қилиб олинадиган парафин юқори молекулали углеводлар аралашмасидан иборатdir. Парафин ўзининг физик хусусиятлари – иссиқликни кам ўтказиш, иссиқлик сифимининг катталиги, қўйилган жойдаги тўқималарга босим билан таъсир кўрсатиши туфайли даволашда кенг қўлланилади. Тиббиётда зичлиги 0,9 ва эриш ҳарорати 45-52 градус бўлган оқ парафин ишлатилади. Парафин қайта ишлатилганда, унга ҳар сафар 20-25 % янгиси қўшилиб турилади. Бир парафиндан 5-7 мартадан ортиқ фойдала-

нилмайди. Жароҳатга ёки шиллик пардага қўйилган парафин қайта ишлатилмайди.

Озокерит – тоғ мўми. У зич мўмсимон масса бўлиб, асосан церезин, парафин, минерал ёғлар ва смолалардан иборат. Таркибида смола кўп бўлган озокерит қора рангда бўлади. Таркибидан сув, ишқор ва кислоталар бутунлай чиқариб ташланган “тиббиёт озокерити” ёки стандарт озокерит даволашда кенг қўлланилади. Озокерит 32-55 градусда суюлади. Озокеритнинг даволовчи таъсири унинг физик ва кимёвий хусусиятларига асосланган. Унинг иссиқлик сифими катта бўлиб, иссиқликни жуда ёмон ўтказади. Бундан ташқари озокеритда иссиқлик жуда узок вақт сакланади. Унинг афзаллиги шундаки, иссиқликни организмга ил ва торф балчикларига қараганда секин ва узок вақт ўтказади. Физик хусусиятлари, тайёрлаш техникаси ва қўлланиш усули бўйича парафинга яқин туради. Озокерит биологик актив моддаларни ўзида сақлаши билан терапевтик фаолияти бўйича парафиндан устун туради. Иссиқлик билан даволашда кўпинча парафин ва озокерит аралашмасидан, 1:1 нисбатда фойдаланилади. Парафин ва озокеритнинг асосий, зарурий хусусиятлари бўлиб иссиқлик кенгайиши ҳисобланади, яъни қиздирилганда ҳажмининг ўзгариши. Парафин суюқ ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтганида кичиклашади. Бу билан парафин ва озокеритнинг компрессион таъсири юзага келади, шунинг учун қайта қўлланилганда 10-15 % янги аралашма қўшилади. Парафин-озокеритнинг қўлланиш усуллари қуйидагилар : қатлам-қатлам, парафин-ванночка, сальфетка-апплекация, кювет-апплекация. Вагинал ва ректал тампонлар кўпинча 55-65 градус ҳароратли озокерит билан қўлланилади. Маҳаллий қўлланилганда унинг давомийлик эфекти шишни йўқотиш, оғриқни камайтириш ва яллигланишга қарши таъсир кўрсатишдан иборатдир. Унинг таъсирида қон ва лимфа айланиши яхшиланади, тўқималарда алмашинув кучаяди. Кенг қўлланилади : бўғимлар ва мушакларнинг касалликларида, лат ейиш, секин битаётган жароҳатлар, чандиқлар, невралгиялар, невритлар ва бошқалар.

Курортология – тиббий илмий фан бўлиб, тиббий физик омилларнинг даволаш хусусиятларини, уларнинг одам организмига таъсирини, курортларда ва курортлардан ташқари муассасаларда уларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш мақсадида қўлланилиш имкониятини ўрганади, санатория-курортларда даволаш учун тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган кўрсатмаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, курортология вазифаларига курорт ресурсларини топиш, аҳолининг санатория-курортларда даволаниш эҳтиёжларини ўрганиш, курорт қурилишининг принцип ва нормативларини ўрганиш, курорт ресурсларини санитария муҳофаза қилиш саволлари киради.

Курорт – табиий даволаш омилларига, минерал манбаларига, шифобахш балчиқ қатламларига, мақбул иқлимга, шунингдек bemорларнинг даволаниши ва дам олиши учун мўлжалланган бальнеотехник, гидротехник иншоатларига, санаторияларига эга бўлган жойдир.

Курортлар асосий табиий шифобахш омиллар характеристи бўйича бир нечта типларга бўлинади : бальнеологик, балчиқли ва иқлимли. Курортларнинг кўпчилиги ўзида иккита, учта шифобахш омилларини сақлайди ва

бальнео-балчиқли, бальнео-иқлимли, бальнео-иқлимли-балчиқли бўлиб ҳисобланади.

Бальнеологик курортларнинг асосий шифобахш омиллари минерал сувлар ҳисобланади, ҳозирги вақтда 9 та бальнеологик гуруҳ минерал сувлари аниқланган, яъни 1-гуруҳ минерал сувлари, таъсири ион таркиби ва минерализация билан аниқланади; 2-гуруҳ ангидридли сувлар; 3-гуруҳ водород сульфидли сувлар; 4-гуруҳ темирли сувлар; 5-гуруҳ бромли, йодли, бромйодли сувлар; 6-гуруҳ кремнили ҳароратли сулар; 7-гуруҳ мишъяк сақловчи сувлар; 8-гуруҳ родонли сувлар; 9-гуруҳ бор сақловчи сувлар, одам терисининг юза қисми учун ва ичиш учун қўлланилади.

Балчиқли курортларда даволаш мақсадида сульфидли ил балчиғи, сапропел, торфли, сопочкали балчиқ турлари қўлланилади.

Иқлимли курортларда асосий шифобахш омил – иқлиминг хоссаси бўлиб, курортларнинг географик жойлашишига, денгиз сатҳидан баландлиги, ўсимликлар турларига, сув ҳавзаларининг борлигига асослангандир.

Санатория-курортда bemorlarни даволаш босқичларидан бири бўлиб, олдинги ва кейинги касалликни даволаш-олдини олиш чоралари билан боғлиқ бўлиши керак. Даволашнинг яхши натижаси асосан bemorlarни курорт ва санаторияга тўғри танлаб олиш билан аниқланади. Bemor санаторияга санатория-курорт картасисиз қабул қилинмайди, чунки унда даволовчи шифокорнинг касаллик даражаси ва босқичларини ҳисобга олиб берган тиббий тавсияномаси, bemorning умумий аҳволи, асосий касалликка йўлдош касалликлар, санаторияга юборишдан олдин текширишлар ва шифохона ёки поликлиникада даволанганди натижалари ёритилган бўлади.

Bemorni санаторияга юборишнинг қўйидаги тартиби қабул қилинган : шифокорнинг санатор-курорт билан даволаниш тавсияномасини, курорт (санатория) типини, даволаш (санаторияда, амбулаторияда) турини ва йилнинг қайси вақтида даволашни ўз ичига олган маълумотномани (тасдиқланган шакл бўйича) bemor қўлига берилади. Берилган маълумотнома санатор-курорт картасининг ўрнига ўта олмайди ва bemorni санаторияда даволаниш учун қабул қилиш хукуқини бермайди. У факат йўлланма олиш жойига тавсия қилиш учун берилади. Йўлланмани олиб даволовчи шифокор қабулига келади, ўз навбатида шифокор йўлланма ва тиббий тавсияноманинг бирбирига тўғри келишини текшириб, шундан сўнг санатория-курорт картасини тўлдиради ва bemorga беради. Maъlumotnomani va sanator-курорт картаси ўз таъсир кучини 2 ойгача сақлайди. Сил билан касал bemorlar учун тартиб қўйидагича, яъни уларни санатория-курортда даволанишга ноҳия (шаҳар) силга қарши диспансерлари юборади.

Санатория-курортга даволаниш учун юборишда нафакат bemorning ҳолатини баҳолаш; балки bemorni санатор-курортда даволанишга юбориш учун умумий қабул қилинган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳам эътиборга олинади.

Bemorlarни (катталар ва ўсмирлар) курортга юборишга умумий қарши кўрсатмалар :

-ўткир босқичдаги ҳамма касалликлар, авж олиш босқичидаги сурункали касалликлар ва ўткир йирингли жараёнлар билан асоратланган касалликлар;

-ўткир юқумли касалликнинг яккаланиш (изоляция) вақти тугагунча;

-ўткир ёки юқумли шаклдаги ҳамма таносил касалликлар;

-рухий касалликлар. Гиёхвандликнинг ҳамма шакллари ва сурункали алкоголизм, тутқаноқ;

-ўткир ва авж олиш босқичидаги қоннинг ҳамма касалликлари;

-келиб чиқиши ҳар хил бўлган қаҳексия;

-ҳавфли ўсмалар (радикал даволанган, яъни жарроҳлик, кимётерапевтик, нурланиш, комбинацияланган усувлар билан даволанган bemorlar). Умумий ҳолати қониқарли бўлган ҳавфли ўсма билан касал bemorlar факат маҳаллий санаторияга даволаниш учун юборилади;

-қуидагиларни талаб қилувчи ҳамма касалликлар ва ҳолатлар:

а) касалхонада даволаниши;

б) жарроҳликнинг аралашувини;

в) мустақил ҳаракат ва ўзига хизмат қила олмайдиганлар.

-ҳар хил ерда жойлашган эхинокок;

-тез-тез қайталанадиган ёки кўп миқдорда қон кетиш;

-балънеологик ва балчиқли курортларга ҳомиладорликнинг ҳамма ойларида юбориш ман этилади, иқлими курортларга эса ҳомиладорликнинг 26-ҳафтасидан бошлаб юбориш ман этилади; текис ерларда яшовчиларни дengiz сатҳидан 1000 метр баландликдан юқори жойлашган тоғли курортларга юбориш мумкин эмас;

-актив босқичдаги силнинг ҳамма шакллари – силга мослашмаган ҳамма санаториялр;

-балънеологик, балчиқ ва тоғли курортларга юрак-қон томир этишмаслигининг I-даражасидан юқорисидаги ҳамма касалликлар, маҳаллий санаторияларга – II-даражадан юқори даражадаги bemorlar.

Умумий қарши кўрсатмалар билан бир қаторда bemorlarни санатория-курортда даволаниш учун юборища маҳсус қарши кўрсатмалар ҳам эътиборга олинади.

Ўзбекистон курортлари

Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашиши ҳақида қичқача маълумот. Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё марказида Сирдарё ва Аму-дарё оралиғида жойлашган бўлиб, 447,4 минг километр квадрат майдонни эгаллайди. Ўзбекистон шимолдан 925 кмга, фарbdan шарққа эса 1400 км гача чўзилгандир. Майдоннинг тахминан 4/5 қисми (80 %) текислиқдан иборат, шу қаторда Турон пастлиги ҳам, фақат узоқ шарққа Тянь-Шань ва Гиссар-Олой (баландлиги 4000 метргача ва ундан юқори) системаларига тааллуқли тоғлар қад кўтара бошлайди. Текислик қисмида Устюрт платоси ва Амудрё дельта ажralиб туради, марказий қисмида қумли Қизилқум чўли жойлашган. Иқлими кескин континентал қуруқ.

Ўзбекистоннинг табиий курорт ресурсларини асосан таркиби ва даволаш хусусиятлри ҳар хил бўлган минерал сувларнинг топилган жойлари ташкил этади.

Иқлимли курортлар. Республикада биринчи бўлиб тоғ иқлимли Шоҳимардон курорти 1934 йилда очилган бўлиб, Фарғонадан 52 км нарида, дengiz satxidan 1540-1570 metr balandlikda joylashgan. Kurort sil kasalligi bilan xastalanган bemorlarни даволаш учун mujjalangan. Kompleks даволашга аэрогелиотерапия, йилнинг қиши фаслида – ультрабинафша нурла-ниш, бактерияларга қарши терапия, пархез ва шифобахш жисмоний тарбия-лари киради. “Ҳамза-Ҳакимзода” ва “Кўк-қўл” номли иккита санаторияга эга.

Кўрсатмалар – силнинг актив шакли, кўкрак қафасидаги лимфа тугуна-ларининг tumori ва инфильтратли сил, инфильтрация ва емирилиш босқи-чидаги ўпканинг инфильтратив ва диссеминланган сили, ўчоғли сил, бир ёки икки ёқлама ўпка сили бўйича жарроҳлик ёрдами кўрсатилган bemorlar (қийин нафас олиши ва тахикардия яққол бўлмаган ҳолатда), тана ҳарорати юқори бўлмаган, сусайиш босқиҷидаги сил плевритлари, лимфа тугунлари силни.

Қарши кўрсатмалар – умумий қарши кўрсатмалар, казеозли зотижам, инфильтратив-пневматик силнинг тарқалган шакли, суб- ва декомпенсация босқиҷидаги фиброз-кавернозли сил, циррозли сил, тез-тез қайталаниладиган қонкусишга моил сил жараёни.

Тоғ иқлимли Оқ тош курорти – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида 1500 га дан ортиқ майдонни эгаллаб, дengiz satxidan 1140 metr balandlikda joylashgan. Oқ tosh sanatoriysi nafas olish organlari ning spezifik bўl-magan kasalliklari bilan kasal bemorlariga mujjalangan bўlib, йилнинг maъlum fasliida faoliyat kўrsatadi (15 maydan 15 oktyabrgacha). Davola什 комплексида аэрогелиотерапия, шифобахш жисмоний тарбия, пархез, физиотерапия муолажали киради.

Кўрсатмалар – сурункали трахеит, зотижам, бронхитлар, плевро-пневмония, куруқ ва фиброз-серозли плевритлардан сўнг қоладиган асоратлар, пневмосклероз, I-II даражалардан юқори бўлмаган қон айланишининг бузилиши, ўпка эмфиземаси, тез-тез қайтарилмайдиган ва оғир кечмайдиган бронхиал астма хуружи.

Бальнеологик ва бальнеоичимлик курортлар

Чорток курорти – Фаргона водийсининг Чотқол тизмасининг жанубида, dengiz satxidan 623 metr balandlikda, Намангандан 30 km нарида joylash-gan. Kurortning aсосий шифобахш omillariidan ichishga mujjalangan yod-bromli, хlorid-natrij-kaltsiyili юқори минерализацияланган юқори ҳароратли минерал сув, хlorid-sульфат-натрийли кам минераллашган сувлар ва иқлим ҳисобланади.

Кўрсатма – таянч-харакат аппаратининг kasalliklari, яъni келиб чиқиши бўйича силга боғлиқ бўлмаган artritlar ва poliartritlar, деформацияланувчи osteoартроз, osteoхондроз, osteoхондропатия, спондилоартроз, miозитлар, sanovitlар, бурситлар; асаб системасининг kasalliklari, яъни периферик асаб kasalliklari, MNSning функционал kasalliklari,

периферик асаб системаси жароҳатининг асорати, ҳазм системаси органи касалликлари, тери касалликлари – сурункали босқичли псориаз, чекланган ва тарқалган нейродермит (экссудатив шаклдагисидан ташқари), сурункали экзема, себоррея экземаси, қизил ясси лишай, енгил даражадаги қичима, аёллар жинсий органларининг сурункали яллиғланиш касалликлари, қон айланиши етишмаслигининг I-даражасидан юқори бўлмаган юрак-қон томир системасининг касалликлари.

“Чимён” курорти – Фарғона вилояти, Водил ноҳиясининг Олой тизмасининг тоғ ёнбағрида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган. Асосий шифобахш омил бўлиб субтерминал, ўзида юқори миқдорда сероводород тузини сақлаган кам минераллашган водород сульфид суви ҳисобланади. У ванналар, ингаляция мақсадида қўлланилади.

Кўрсатма – таянч-ҳаракат аппарати, периферик асаб системаси, юрак-қон томир системаси, аёллар жинсий органлари, тери касалликлари.

“Тошкент минерал сувлари” курорти – Тошкент яқинида, денгиз сатҳидан 420-450 метр баландликда жойлашган. Асосий шифобахш омили бўлиб кам миқдорда минераллашган, ишқорий, гидрокарбонат-натрийли, юқори ҳароратли сув ҳисобланади. Тошкент минерал суви ичиш, ошқозон ва ичакни ювиш ва суғориш, трансдуоденал ювиш мақсадида қўлланилади. Ҳазм қилиш органларининг касалликларини, сийдик-таносил системаси баъзи касалликларини (пиелонефрит, цистит) даволашда юқори яхши натижалар беради.

Жайронхона курорти – Сурхондарё вилояти, Сурхондарё соҳилида Термиздан 22 км нарида, денгиз сатҳидан 360 метр баландликда жойлашган. Асосий шифобахш омили бўлиб водород-сульфидли, бромли, кремнийли, хлорид-натрий-кальцийли юқори ҳароратли сув ҳисобланади. Кўрсатмалар Чимён курорти учун кўрсатмаларига ўхшаш.

Уч-қизил курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Сурхондарё вилояти, Термиз ноҳияси, Термиз шаҳридан 16 км нарида, Уч-қизил сув омбори соҳилида жойлашган. Асосий шифобахш омили ҳароратли (33-40 градусли) минераллашган сульфидли-хлорид-натрийли сув. Кўрсатмалар Чимён курорти учун кўрсатмаларига ўхшаш.

“Нагорная” курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Самарқанддан 650 км нарида, Катта қўрғон ноҳиясида жойлашган. Асосий табиий шифобахш омил – 2 хил турдаги минерал сувлар. Минераллашган хлорид-сульфат-натрийли юқори ҳароратли (45 градус) сув, овқатни ҳазм қилиш органлари касалликларида ичиб даволаш мақсадида қўлланилади. Минераллашган родонли хлорид-сульфат-натрийли ҳароратли (37-43градус) сув, юрак-қон томир, асаб системаси, таянч-ҳаракат аппарати касалликларида ванна усулида қўлланилади.

Қизил-Тепа курорти - бальнеологик ичимли курорт бўлиб, Фарғона вилоятида Олтиариқ ноҳиясида, Фарғонадан 40 км нарида жойлашган. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-сульфат-гидрокарбонат-натрийли сув, ҳарорати 42 градус.

Кўрсатма – овқат ҳазм органлари, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари.

Жанубий Олмалиқ курорти – бальнеологик курорт бўлиб, Андижон вилоятининг Жалол қудуқ ноҳиясида, Андижондан 25 км нарида жойлашган. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-натрийли ҳароратли сув.

Кўрсатма – периферик асаб системаси, таянч-ҳарорат аппарати, гинекологик тери касалликлари.

Моҳи-Хоса санаторияси – иқлимий бальнеологик курорт бўлиб, Бухоро чегарсида жойлашган. Иқлим шароити буйрак касалликларини даволаш учун қулай ҳисобланади. Иқлим терапия билан бир қаторда минераллашган сульфат-хлорид-натрийли ҳароратли 45 градусли сув ҳам қўлланилади.

Кўрсатма – буйрак касалликлари май ойидан октябр ойигача асаб системаси, таянч-ҳаракат органлари касалликлари.

Маҳаллий санаториялар

“Яланғоч” санаторияси – Тошкент вилоятининг Орженекидзе ноҳиясида жойлашган бўлиб, силнинг актив шаклидаги bemорлар учун мўлжалланган.

“Турон” санаторияси – асаб ва юрак-қон томир касалликлари билан касал bemорлар учун мўлжалланган. Комплекс даволашга иқлим тера-пия сунъий, углекислотали ва радонли ванналар, балчиқ ва парафин билан даволаш киради. Миокард инфарктини ўтказган bemорларни реабилитация (тиклаш) қилишга иқтисослашган санатория бўлиб ҳисобланади.

“Чинобод” санаторияси – Тошкентда жойлашган бальнеологик санаториядир. Асосий шифобахш омили – минераллашган хлорид-гидрокарбонат натрийли, 51 градус ҳароратли сув, шунингдек Жиззах вилояти Балиқли кўлидан олиб келинадиган даволаш хусусиятига эга бўлган балчиқлар ҳам қўлланилади.

Кўрсатма – овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат аппарати, асаб системаси касалликлари.

“Умид гулшани (8 март)” санаторияси – Тошкентда жойлашган бўлиб, гинекологик касалликларни даволашга мўлжалланган. Комплекс даволаш тадбирларига қўлланиладиган физик омиллардан ташқари балчиқ, парафин ва озокерит билан даволаш ҳам киради.

“Ботаника” санаторияси – Тошкентдан 30 км нарида жойлашган бўлиб, юрак-қон томир ва асаб системаси касалликларини даволаш учун мўлжаллангандир. Асосий даволаш омили – хлорид-гидрокарбонат-натрийли ҳароратли (37 градус) минерал сув, балчиқ билан даволаш, иқлим билан даволаш.

Хулоса

Маърузада табиий омиллар билан даволаш ҳақида маълумот берилди. Гидротерапиянинг таъсир механизми ва унинг бальнеотерапиядан фарқи, бошқа муолажалардан афзаллиги келтирилди. Иссиқлик билан даволаш ва усуслари, аҳамияти ҳақида тушунча берилди. Санатор-курортга борувчиларни саралаш асоси ва Ўзбекистондаги сантория-курортлар ҳақида тушунча берилди.

Тингловчилар билан ўзаро алоқани ўрнатиш учун саволлар

- 1.Гидротерапия ва бальнеотерапия нимаси билан фарқланади?
 - 2.Душ, ванналарнинг шифобаҳаш таъсири механизми қандай?
 - 3.Гастритда минерал сувнинг қўлланилиш усули қандай? Қўллашда нимага эътиборни қаратиш керак?
 - 4.Балчиқнинг физиологик таъсири ҳақида нимани биласиз?
 - 5.Парафин-озокеритнинг қўлланилиш усуллари.
 - 6.Иқлимли курортларнинг турлари.
 - 7.Курортларнинг турлари.
- Қўлланилган адабиётлар
- 1.К.Ю.Юлдашев, Ю.А.Куликов Физиотерапия. Т., 1994 г.
 - 2.Справочник по физиотерапии. Под ред. В.Г.Ясногородского М., Медицина, 1992 г.
 - 3.И.В.Оранский, Д.С.Ильхамджанова Краткий справочник по физиотерапии. Т,1992 г.
 - 4.С.Н.Бабааджанов Справочник физиотерапевта. Ташкент, 1999 г.
 - 5.В.Т.Слеференко Водотеплолечение М., Медицина, 1986 г.
 - 6.Справочник по санаторно-курортному отбору Под ред. В.М.Боголюбова, 1986 г.
 - 7.Маъруза матнлари ва ўқув услубий қўлланмалар.